O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
NAVOIY VILOYATI
KARMANA TUMANI
HOKIMINING

QARORI

РЕШЕНИЕ

ХОКИМА
КАРМАНИНСКОГО РАЙОНА
НАВОИЙСКОЙ ОБЛАСТИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Karmana t. "Talqoq" MFY

Карманинский р. МСГ "Талкок"

"25" сентябрь 2019 y (г). № К-1550

Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни 2020 йилда ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" 1998 йил 1 майдаги 616-1-сонли Қонунининг 17-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 5-6-сон, 97-модда), "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддаси (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3001-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 22-сон, 420-модда, 37-сон, 982-модда), Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартиби тўғрисида"ги 965-сонли қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.12.2017 й.,09/17/965/0393-сон) билан тасдиқланган Низомга асосан 2020 йил учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосан;

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни (кейинги ўринларда ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар деб юритилади) ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаши ва захирага қўйиши лозим бўлган корхоналар ва ташкилотлар рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 17-моддасига асосан туманда ижтимоий

муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг энг кам миқдори иловага мувофиқ ходимларнинг рўйхат бўйича ўртача сони 310 нафарни ташкил этади, шу жумладан:

ёлғиз ота-оналар ҳамда ўн тўрт ёшгача болалари ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ота, ёлғиз она ва кўп болали ота-оналар учун 56 та;

умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини давлат грантлари буйича таълим олган битирувчилари учун 117 та;

сафарбарлик чақириқ захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун 28 та;

ногиронлиги бўлган шахслар учун 12 та;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун 4 та;

жазони ўташ муассасаларидан бўшатилганлан ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун 40 та;

одам савдоси жиноятидан жабрланган шахслар учун 2 та;

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун 51 та иш ўринлари захираси белгилансин.

3. Ушбу тоифа шахслар учун иш ўринлари санитария-гигиена меъёрларига ва ходим ўз меҳнат мажбуриятларини тўсиқсиз бажаришини таъминлайдиган меҳнат шароитларига, шу жумладан қуйидагиларга мувофиқ бўлиши керак:

14 ёшгача ва ногирон болалари бўлган ёлғиз ва кўп болалари ота-оналар учун – болаларни тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича мажбуриятлар бажарилишини бирга қўшиб олиб бориш имконини берувчи ишнинг мослашувчан жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини тамомлаган ёшлар, шунингдек, олий таълим муассасаларининг давлат грантлари бўйича таълим олган битирувчилари учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

сафарбарлик чақируви заҳирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун - уларнинг профессионал тайёргарлигига мос бўлган иш ўринлари;

ногиронлиги бўлган шахслар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ва ходимга уларнинг соғлиги ҳолатини ва меҳнат фаолиятига тўғри келмайдиган белгиланган зидликлар ҳисобга олинган ҳолда меҳнат операцияларини тўсиқсиз бажариш имконини берадиган иш ўринлари;

пенсияолди ёшидаги шахслар учун – уларнинг касбий тайёргарлигига мос бўлган ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган ёки суднинг қарорига кўра тиббий тусдаги мажбурлов чоралари қўлланилишидан озод қилинган шахслар учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари;

одам савдоси қурбонлари учун - уларнинг касбий тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда ёки махсус малакани талаб этмайдиган иш ўринлари.

4. Иш ўринларини банд қилувчи корхона ва ташкилотлар раҳбарларига:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сон қарори билан тасдиқланган "Ижтимоий муҳофазага муҳтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Низомга (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) мувофик ушбу қарорнинг иловасида кўрсатилган иш ўринлари ташкил этилишини таъминласин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни иш билан таъминлаш учун 2019 йил якунланишидан 10 кун олдин банд килинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фонзи га қўйилиши ва тайёрлиги таъминлансин, шунингдек, бу хакда йил бошлангунга кадар туман Бандликка кўмаклашиш марказини хабардор килсин;

ижтимоий муҳофазага муҳтож шахслар учун иш ўринларининг колган қисмини қўйиш ташкилот (иш берувчи) томонидан календарь йилнинг биринчи чораги мобайнида таъминлансин, бу хакда туман Бандликка кўмаклашиш марказига биринчи чорак тамом бўлгандан кейин 10 кундан кечикмай хабардор қилсин;

ташкилот ҳар ойда ҳисобот ойидан кейинги ойнинг 5-кунигача туман Бандликка кўмаклашиш марказига Низомнинг 5-иловасига мувофик шакл бўйича муҳтожларни ишга жойлаштириш тўғрисида ахборот тақдим этсин;

ташкилот томонидан ижтимоий муҳофазага муҳтож шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари тайёрлиги тўғрисида ахборот тақдим этилмаслиги, тенг даражада захирага қўйиладиган иш ўринларининг белгиланган сони ҳисобига ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг амалда тайёр эмаслиги туман Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан туман ҳокимининг карори бажарилмаслиги сифатида қаралиши лозимлиги кайд этилсин.

5. Туман ҳокимининг муҳтожлар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш бўйича ушбу қарор бажарилмаганда, шунингдек, уларни ишга қабул қилиш асоссиз равишда рад этилганлиги учун ташкилот ва корхоналарнинг мансабдор шахсларига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жавобгарлик белгиланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг "Ўзбекистон Республикаси бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида низомни тасдиклаш ҳакида"ги буйруғига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 3163) асосан ижтимоий эҳтиёжманд аҳоли катламларига мансуб шахсларни квоталанган энг кам сондан ортик миқдорда ишга қабул килган ташкилотларга субсидия ажратилиши туман аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази (кейинги ўринларда АБКМ деб юритилади) директори вазифасини вактинча бажарувчи (Ф.Рахматов)га юклатилсин.

7. Туман АБКМ директори вазифасини вактинча бажарувчи (Ф.Рахматов) мазкур қарорни беш кун муддатда карорнинг иловасида кўрсатилган ташкилотлар раҳбарларнинг эътиборига етказсин ва ушбу қарор бажарилиши устидан назоратни таъминласин.

8. Мазкур қарор “Кармана овози” газетасида расман эълон қилинсин ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

9. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Бобомуродов) зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Туман ҳокими **Ф.Умаров**

Қарман туманининг 2019 йил 25-Сентябр-ги
Ж-1550-сонли қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги 965-сонли қарорига асосан Кармана тумани бўйича иктисодий ислохотлар, ижтимоий мухофазага мухтож оилалар ва ишсиз фукаролар орасида иш топишда кийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2020 йил учун банд килиб қўйилган иш ўринлари тўғрисида (тезкор)

МАЪЛУМОТ

№	Корхона, ташкилот, муассасалар номи		Штат бўйича ходимларини ўртача умумий сони	Келгуси йилга захирага қўйиш таклиф этилаётган иш ўринлари сони	Шундан							
					Кўп болали ота-оналар РЕЖА	Умумий ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини битирувчилари учун банд қилинган иш ўринлари сони	Сафарбарлик чақириғи захирасида хизматни ўтаган ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар сафларидан муддатли харбий хизматдан бўшатилган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	ногиронлиги бўлган шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони	Пенсия ёши ёшидаги шахслар учун банд қилинган иш ўринлари сони РЕЖА	Жазони ўташ муассасаларидан бўшатилганлар ёки суд қарорига кўра тиббий характердаги мажбурий чоралар кўрилган шахслар учун Р Е Ж А	Одам савдоси жабрланганлар учун Р Е Ж А	Ижтимоий мухофазага мухтож ва кичик ёшли болалари бўлган ишламаётган аёллар учун Р Е Ж А
1	1-мактаб	Кўҳна-Кўрғон МФЙ	92	2	1	0	0	0	0	0	0	1
2	2-мактаб	Деҳқон МФЙ	118	4	2	1	0	0	0	0	0	1
3	3-мактаб	Дурмон МФЙ	114	4	2	1	0	0	0	0	0	1
4	4-мактаб	Айронли МФЙ	125	4	1	1	1	0	0	0	0	1
5	5-мактаб	Бешкент МФЙ	131	4	1	1	0	0	0	1	0	1
6	6-мактаб	Варк МФЙ	83	3	1	1	0	0	0	0	0	1
7	7-мактаб	Янгиарик МФЙ	88	3	1	1	0	1	0	0	0	0
8	8-мактаб	Кизилўт МФЙ	95	3	1	1	0	0	0	0	0	1
9	9-мактаб	Дегарон МФЙ	86	3	1	1	0	0	0	0	0	1
10	10-мактаб	Ўзарон МФЙ	109	3	1	1	0	0	0	0	0	1
11	11-мактаб	Гулистон МФЙ	110	3	1	1	0	0	0	0	0	1
12	12-мактаб	Кампирон МФЙ	70	2	1	0	0	0	0	0	0	1
13	13-мактаб	Нурафшон МФЙ	110	4	1	1	0	0	0	0	0	2
14	14-мактаб	Арабхона МФЙ	110	4	1	1	0	1	0	0	0	1
15	15-мактаб	Зиёкор МФЙ	84	3	1	1	0	0	0	0	0	1
16	16-мактаб	Дегарон МФЙ	52	2	0	1	0	0	0	0	0	1
17	17-мактаб	Катта Марчат МФЙ	64	2	1	1	0	0	0	0	0	0
18	18-мактаб	Ўзарон МФЙ	56	2	1	1	0	0	0	0	0	0
19	19-мактаб	Янгиобод МФЙ	70	3	1	1	0	0	0	0	0	1
20	20-мактаб	Алвон МФЙ	62	2	1	1	0	0	0	0	0	0
21	21-мактаб	Шўйдон МФЙ	94	3	1	0	0	0	0	1	0	1
22	22-мактаб	Хавора МФЙ	81	3	0	1	1	0	0	0	0	1
23	23-мактаб	Хавора МФЙ	31	1	0	1	0	0	0	0	0	0
24	24-мактаб	Хавора МФЙ	38	1	1	0	0	0	0	0	0	0
25	25-мактаб	Шўйдон МФЙ	25	1	0	1	0	0	0	0	0	0
26	26-мактаб	Пахлавон МФЙ	40	1	0	0	0	0	1	0	0	0
27	27-мактаб	Сирдарё МФЙ	75	3	1	0	0	0	0	1	0	1
28	28-мактаб	Дўстлик МФЙ	66	2	1	1	0	0	0	0	0	0
29	29-мактаб	Дегарон МФЙ	30	1	0	0	0	0	0	0	0	1
30	30-мактаб	Боғобод МФЙ	78	3	1	1	1	0	0	0	0	0
31	31-мактаб	Варк МФЙ	42	2	1	1	0	0	0	0	0	0

32	32-мактаб	Кумушкон МФЙ	39	2	0	1
33	1-МТМ "Бойчечак" номли	М.Бахром МФЙ	31	1	0	1
34	2-МТМ "Лола" номли	Хўжа Хисрав МФЙ	40	2	1	1
35	3-МТМ "Қуёнжон" номли	А.Навоий МФЙ	48	2	1	1
36	4-МТМ "Бинафша" номли	Гулобод МФЙ	34	1	0	1
37	5-МТМ "Олтин халқча"	Бешкент МФЙ	34	1	0	1
38	6-МТМ "Камалак" номли	Фарход МФЙ	71	3	1	1
39	7-МТМ "Сунбула" номли	М.Бахром МФЙ	47	2	0	1
40	8-МТМ "Пахлавй" номли	Дўрман МФЙ	30	1	0	1
41	9-МТМ "Асалъ" номли	Уйрот МФЙ	42	2	0	1
42	10-МТМ "Ширин" номли	Янгиарик МФЙ	20	1	0	1
43	11-МТМ "Офтобжон" номли	Камолот МФЙ	41	2	1	1
44	12-МТМ "Гулнора" номли	Қаловат МФЙ	35	1	0	0
45	13-МТМ "Ғунча" номли	Аргун МФЙ	27	1	0	1
46	14-МТМ "Булбулча" номли	Аллон МФЙ	32	1	0	1
47	15-МТМ "НАВРУЗ" номли	Хазора МФЙ	21	1	0	1
48	16-МТМ "Парвоз" номли	Дўстлик МФЙ	40	2	1	1
49	17-МТМ "Юлдузча" номли	Сарлоба МФЙ	40	2	1	1
50	18-МТМ "Қизғалдоқ"	Аламат МФЙ	28	1	0	1
51	19-МТМ "Эркатой"	Айронли МФЙ	22	1	0	1
52	20-МТМ "Ширинтой"	Қаҳрамон МФЙ	20	1	1	0
53	21-МТМ "Қалдирғоч"	Малик МФЙ	21	1	0	1
54	22-МТМ "Қўнғирчоқ"	Қаҳрамон МФЙ	23	1	0	0
55	23-МТМ "Ҳулкар"	Дегарон МФЙ	25	1	0	1
56	24 МТМ "Семург"	Хазора МФЙ	20	1	0	1
57	25-МТМ "Наврўзи"	Кумушкон МФЙ	25	1	0	1
58	Кармана тумани МТБ	М.Бахром МФЙ	31	1	0	1
59	26-сонли махсус мактаб-интернати	А.Навоий МФЙ	224	8	1	2
60	Хамза номли 2-болалар мусиқа мактаби	М.Бахром МФЙ	54	2	0	1
61	Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти	Кўҳна-Кўрғон МФЙ	86	3	0	1
62	Вилоят "Баркамол авлод" болалар маркази	М.Бахром МФЙ	43	2	1	1
63	Кармана тумани маданият	А.Навоий МФЙ	47	2	1	1
64	Халқ таълими муассасаларни фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими	Кўҳна-Кўрғон МФЙ	55	2	0	1
65	Навоий вилоят санитария-эпидемиология маркази	Хўжа Хисрав МФЙ	31	1	0	0
66	Кармана тумани ҳокимлиги	Гагкок МФЙ	79	2	0	2

0	0	0	1	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	1
0	0	0	0	0	1
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	1
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	1
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	1
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	0
1	1	1	1	0	1
0	0	0	0	0	1
0	1	0	0	0	1
0	0		0	0	0
0	0	0	0	0	0
0	0	0	0	0	1
0	0	0	1	0	0
0	0	0	0	0	0

67	Кармана т. Молия бўлими	Талқок МФЙ	23	1	0	1	0	0	0	0	0	0
68	"Навоий агросервис" МТП	Уйрот ҚФЙ	21	1	0	0	0	0	0	1	0	0
69	Кармана т.давлат солик инспекцияси	Талқок МФЙ	53	2	1	1	0	0	0	0	0	0
70	Кармана туман "Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби"	Бешкент МФЙ	71	3	0	1	1	0	0	1	0	0
71	"Баркамол авлод" болалар маркази Кармана бўлими	Азамат МФЙ	21	1	0	1	0	0	0	0	0	0
72	Кармана туман деҳкон бозори МЧЖ	Деҳкон МФЙ	23	1	0	0	0	0	0	1	0	0
73	Кармана тумани тиббиёт бирлашмаси	М Баҳром МФЙ	1249	43	5	19	2	2	1	3	1	10
74	Навоий вилоят офтальмология шифохонаси	Фарҳод МФЙ	47	2	1	1	0	0	0	0	0	0
75	Вилоят тери-таносил касалликлар диспансери	Кўҳна-Кўрғон МФЙ	146	6	1	2	1	1	0	1	0	0
76	Кармана тумани давлат санитария-эпидемиология назорати маркази	М Баҳром МФЙ	63	3	0	1	0	0	0	1	0	1
77	Навоий вилояти ветеринария лабораторияси	Кўҳна-Кўрғон МФЙ	46	2	0	1	0	0	0	1	0	0
78	Кармана тумани ветеринария бўлими	Кўҳна-Кўрғон МФЙ	43	2	0	1	0	0	0	0	0	1
79	Агро банк АТБ	Талқок МФЙ	37	1	0	1	0	0	0	0	0	0
80	Микрокредит банк АТБ	А Навоий МФЙ	26	1	0	1	0	0	0	0	0	0
81	Алока банк АТБ	Талқок МФЙ	67	2	0	2	0	0	0	0	0	0
82	Халқ банки АТБ	Фарҳод МФЙ	93	2	0	2	0	0	0	0	0	0
83	Миллий банк	Саройба МФЙ	31	1	0	1	0	0	0	0	0	0
84	Кармана тумани Сувдан таъминот унитар корхонаси	Талқок МФЙ	45	2	0	0	1	0	0	1	0	0
85	Дўстлик агрофирмаси	Дўстлик МФЙ	709	23	3	9	3	1	0	4	0	3
86	Навоий вилояти Ахборот ресурс маркази	А Навоий МФЙ	44	2	1	1	0	0	0	0	0	0
87	Навоий вилоят тарихий-ўлкашунослик музей	Хўжа Хисрав МФЙ	20	1	0	0	0	0	0	0	0	1
88	Қишлоқ хўжалик касб ХАЖ	Уйрот МФЙ	21	1	0	0	0	0	0	1	0	0
89	Обкомкоммунхўжалик бошқармаси	М Баҳром МФЙ	170	7	1	0	1	1	0	3	0	1
90	Кармана туман ИФУК	Уйрот МФЙ	153	7	0	1	1	0	0	4	1	0
91	"NAVOIY ISSIQLIK ELEKTR STANSIYASI" АЖ	Уйрот МФЙ	1547	30	5	10	7	2	1	1	0	4
92	"O'ZBEKGIDROENERGOQURILISH" ОАЖ "NAVOIESQURILISH" УК	Уйрот МФЙ	34	1	0	0	0	0	0	1	0	0

	Навоий вилояти куйи Зарафшон ИТХБ кошидаги насос станциялари ва энергетика бошкармаси	Янгиарик МФЙ	246	5	0	1
94	"Куйи Зарафшон Ирригация Ҳавза" бошкармаси	Янгиарик МФЙ	56	3	0	1
95	"КАРМАНАДАВСУВМАХСУСПУДРАТ" давлат унитар корхонаси	Янгиарик МФЙ	83	3	0	0
96	"НАВОИЙДАВСУВМАХСУСПУДРАТ" давунитар корхонаси	Янгиарик МФЙ	73	2	0	0
97	"BENTONITE" МЧЖ	Уйрот МФЙ	130	4	0	0
98	"ГИПАРТ" МЧЖ	Уйрот МФЙ	53	2	0	0
99	Кармана тумани "СУВОКОВА" ишлаб чикариш бўлими	М Бахром МФЙ	103	3	1	1
	ЖАМИ:		9474	310	56	117

Кармана туман АБКМ директори ваб:

1	1	0	2	0	0
1	0	0	1	0	0
1	0	0	2	0	0
1	0	0	1	0	0
1	0	0	3	0	0
1	0	0	1	0	0
1	0	0	0	0	0
28	12	4	40	2	51

Ф.Рахматов